Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали

Хонободда аҳоли дам олиши учун шароитлар янада яхшиланади

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хонободдаги "Хонобод" санаториясини бориб кўрди. Ушбу дам олиш зонаси тоғ ён бағрида жойлашган.

Давлатимиз раҳбари санатория ҳудудини ободонлаштириш, қурилиш ишларини охирига етказиб, оромгоҳни келгуси йили Наврўз байрамига фойдаланишга топшириш бўйича кўрсатмалар берди. Санаторий ҳудудини Андижон шаҳри ва туманларга ажратиб бериш, вилоят аҳолиси дам олиши учун замонавий шароит яратиш зарурлигини таъкидлади.

Хонободни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.